



КАРАРЫ

Нүсхә шәхри

Номиә кәләһә

№ 263

« 18 » апрель 2018 й.ж

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Хузуридаги

Дин ишлари бўйича кўмита фаолиятини такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3668-сонли қарори ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5416-сонли Фармонига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Хузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3668-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Хузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3668-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг маъқур қарори билан:

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Хузуридаги Дин ишлари бўйича кўмитаси (кейинги ўринларда кўмита деб юритилмади) бошқарув ходимларининг чекланган умумий сонни 51 кишидан иборат янгиланган тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

кўмита расмига, зарур ҳолларда, кўмита тузилмасига ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сонни доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилганлиги;

б) Кўмитанинг Диний-ижтимоий жараёнларни ўрганиш ахборот-таҳлил маркази (кейинги ўринларда Марказ деб юритилмади) Кўмита расми томонидан тасдиқланганлиги низоми асосида фаолият олиб бориши ва унга кўмита расмининг ўринбосари - Марказ раҳбари бошчилик қилиши, Марказ ходимларининг меҳнатта ҳақ тўлашнинг ягона тариф сепкаси бўйича разрядлари кўмита марказий аппаратининг тегишли ходимлари учун

белгиланган разрядларга тенглаштирилиши белгилаб қўйилганлиги;

в) Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Марказ сўровига кўра унга юқлатилган вазифалар билан боғлиқ бўлган зарур ҳужжатлар, статистик ва бошқа маълумотлар, таҳлилий материаллар, хулосалар ва бошқа ахборотнинг беғул тақдим этилишини таъминлаш белгиланганлиги;

г) Кўмита Хузуридаги Конфессиялар ишлари бўйича кенгашнинг янгиланган таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

Кенгаш кўмита Хузурида фаолият юритадиган жамоатчилик-маслаҳат органи ҳисобланиши;

Кўмита расми лавозимига кўра Кенгаш расми ҳисобланиши;

Кенгаш аъзолари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб бориши;

Кенгаш ўз мажлисларида республика ҳудудлари ва хорижий давлатлардаги диний-ижтимоий жараёнларнинг жорий ҳолатини, шу жумладан, Марказ томонидан тайёрланган ахборот-таҳлилий материалларнинг тегишли қисмини доимий равишда муҳофиза қилиб бориши ва натижага кўра кўмитата тавсиялар бериши;

Кенгаш кўмита томонидан тасдиқланган низоми асосида фаолият олиб бориши белгилаб қўйилганлиги;

д) Кўмита Тошкент шаҳри, Ислоҳ Қаримов кўчаси, 43-уй манзилдаги биногога жойлаштирилганлиги;

е) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

ушбу қарордан келиб чиқиб, 2018 йил учун тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни параметрлари доирасида зарур бўлган бюджет маблағларини ажратиб, 2019 йилдан бошлаб эса ҳар йили ушбу маблағларни назарда тутиш;


Кўмитанинг асосли ҳисоб-китоблари асосида янги ташкил этилган таркибий тузилмалар ва Марказ учун зарур бўладиган компьютер техникаси, мебель ва жиҳозлар, алоқа тармоғи билан таъминлаш ҳамда Марказ жойлаштирилганлигидаги мазмурий бинони таъмирлаш учун маблағлар ажратилишини таъминлаш вазифаси белгиланганлиги;

ж) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисобланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Маъқур қарорнинг қабул қилиниши муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2014 йил 24 январдаги 24-сонли қарори 2-бандининг учинчи ҳаг боши, 3-бандининг биринчи ҳаг боши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳужужий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.
5. Маъқур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари М.Албуов зиммасига юклянасин.


Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгашининг Раиси



К. Сариев

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил "16" апрелдаги ПҚ-3668 -сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги
Дин ишлари бўйича қўмита марказий аппаратининг
ТУЗИЛМАСИ



Жами бошқарув ходимларининг сони - 51 нафар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмита ҳузуридаги Конфессиялар ишлари кенгаши
ТАРҚИБИ

1. Давозими бўйича – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси, Кенгаш раиси
2. Алимов У.Т. – Ўзбекистон муқдмонлари илораси раиси, муфтий
3. Викентий (Морарь В.А.) – Рус православ чerkови Тошкент ва Ўзбекистон епархия митрополити
4. Магулевич Е.С. – Рим-католик чerkови епископи
5. Григорян А.Д. – Арман апостолик чerkови рухонийси
6. Кремерук П.М. – Тулик Евангелъ христианлари маркази раиси
7. Шерстоков О.Н. – Евангелъ христиан баптистар чerkовлари уюшмаси раиси
8. Тен А.Т. – Тошкент шаҳар Еггинчи куи христиан адвентистлар чerkови раҳбари
9. Ким А.К. – Тошкент шаҳар Новоапостол чerkови раҳбари
10. Шмигт Л.В. – Тошкент шаҳар Немис Евангелъ-лютеран чerkови раҳбари
11. Саидов Г.Н. – "Голос Божий" христиан чerkови раҳбари
12. Королев Н.Н. – "Иегова гувоҳлари" чerkови раҳбари
13. Аширов Х.У. – Ўзбекистон Библия жамияти Бош котибиди
14. Исхабаров А.Н. – Тошкент шаҳар аҳудийлар жамоеси раиси
15. Клежёнкова Т.С. – Тошкент шаҳар баҳонийлар жамоеси раиси
16. Янг К.Х. – Будда ибодатхонаси рухонийси
17. Закиров И.Р. – Тошкент шаҳар Кришнани англаш жамияти раиси

Изоҳ: Кенгаш аъзолари Бошка давозими утгаки, унинг таркибига мазкур давозими ашти таъинланган дин таъинлиги функцияларини бажариш вазифаси юклатилган шахслар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
Ўз кучини йўқотган деб топилдиган айрим қарорлари
РУЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелдаги 196-сон "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й. 4-сон, 41-модда) 1 ва 3-бандлари, қарорга 1-илова.
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 январдаги 10-сон "Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й. 1-сон, 5-модда) 1-банди тўғртинчи хатбошиси ва қарорга 3-илова.

